



*Имом Бухорий, Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад ва Молик ривоят қилишган.*

نَاسُنْ اِلْمَسْجِدِ وَ: مَلَسُو هَلْ لَ اِلْصِدْ هَلْ لَ اِلْاُؤْسَرَّ لَاقَ : لَاقَ عَزِيْرُهُ يَبْأَنَ عَ  
«مَوِيْ قُلْخُ اِلْبَكْرِىُّ هُنْمَوْ بَنِّذَلْ اُبْجَعْ وَهَو ، اِدْحَاوْ اَمْطَعُ اِلْ اِلْبَبِيْ اِلْ اِيْشِ  
مَلَسْمُ هَاوْرَ .»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий алайҳиссалом шундай дедилар: **«Инсоннинг бир суякдан бошқа ҳамма нарсаси чирийди. Бу чиримагани - «ажбуз-занаб» деб аталувчи суякдир. Қиёмат куни махлуқотлар ўшандан тикланади».**

*Муслим ривоят қилган.*

\*«ажбуз-занаб» – думғазанинг учидаги жуда кичик суяк.

Ушбу икки ҳадисда келган маънодаги гапни тасдиқловчи яна бир қанча ҳадислар ҳам келган.

Бунинг устига, олимлар мазкур «ажбуз-занаб»ни топиб, синаб кўришган, уни ҳеч нарса билан йўқотиб бўлмаган.

Мукулмон кишининг одоби саҳиҳ ҳадисда келган гапни гап-сўзсиз тасдиқлашдир. «Мен бунга ишонмайман», дейишнинг ўрнига «Буни тушуниш учун менинг илмим етмаяпти», дейиш керак.

Бундан бир неча йил олдин Кувайтда «Қуръони Карим ва Суннатдаги илмий мўъжизалар» борасидаги саккизинчи умумжаҳон илмий анжумани бўлиб ўтди. Ўша анжуманда АҚШдан келган катта илмий гуруҳ ушбу ҳадис ҳақида янги оламшумул кашфиёт қилганини эълон қилди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан бир минг тўрт юз йил илгари айтган ҳадислари илмий мўъжиза экани, бу ҳадис у зотнинг ҳақиқий пайғамбар эканларига далил бўлишини таъкидладилар. Маъруза қилган ғайримусулмон одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар тилга олганида у зотга араб тилида салавот ва салом айтиб сўзлади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадислари юзасидан эркаларнинг уруғлигида тажриба ўтказишибди. Бир уруғликнинг думини – «ажбуз-занаб»ини кесиб олиб, бошқа уруққа ёпиштиришибди. Ўша уруғни урчитишган экан, биринчи уруғ эгасига ўхшаш бола туғилибди. Бундан улар «ажбуз-занаб» инсоннинг коди экан, деган хулосага келибдилар.

Доктор Усмон Жийлоний ва шайх Абдулмажид Зиндонийлар ҳам 2003 йилнинг Рамазон ойида Санодаги Зиндонийнинг уйида думғаза билан бир неча илмий тажрибалар олиб боришди. Умуртқа думғазаси тўла аланга олиб ёнмагунича газ алангасига ўн дақиқа тутиб турилди (суяк олдин қизил рангга киргунча ловуллаб ёнди, кейин эса қорайиб кетди).

Улар куйдирилган бўлақларни стерилланган колбага (лаборатория шиша идишига) солиб, Санодаги машҳур илмий-тадқиқот лабораториясига (ал-Олакий лабораториясига) олиб боришди. Гистология ва патология профессори доктор Олакий тўқима бўлақларни ўрганиб, унинг куйдирилгани думғазанинг суяк тўқималарига таъсир қилмаганини айтади, яъни улар куйдирилгани билан ўзгармаган (фақат мушак, ёғ тўқимаси ва илик куйган, думғаза суяқларининг ҳужайраларида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган).

***“Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар” китобидан***